УССР Давлат Гос. библиотека Инв. № 8 Гос. книжная пал. в УССР
8 ЯНВ 1983
ОПИСАНО

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 11 (18.488). • Жума, 1983 йил 14 январь • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ КАВАЛЕРЛАРИ

ДЕҲҚОН ДОВРУҒИ

Рўпарамизда бўйдоргина, қорамағиздан келган 45 ёшлар чамасидаги киши ўтирибди. Табиатан босиқ-вазмин, камсуқум эканлиги, ҳар бир гапни ўйлаб гапириши сезилиб турар эди. Фарғонадагина эмас, ҳатто республикамизда ҳам номи оғизга тушган юқори ҳосил устаси, Димитров номли колхоз бригадири Муҳаммаджон Қўчқоров шу киши бўлади.

Бир неча йиллардан бери пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилиб, муттасил равишда мўл ва сифатли пахта етиштириб келаётганлиги учун бу тадбиркор бригадир 1973 йилда учинчи даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени, 1976 йилда эса иккинчи даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан тақдирланган эди. Куни кеча эса, республика бу ажойиб деҳқонни учинчи юксак мукофот — биринчи даражали «Меҳнат Шуҳрати» ордени билан тақдирланганлигини эшитди. Уни бу улкан мукофот билан қутлаш учун дарвозани қоқиб келувчи ҳамкишлоқлари, дўсту биродарларининг кети узилмайди. Почтальон ҳар куни бир неча бор телеграммалар ташлаб кетади. Қутлов устига қутлов, табрик устига табрик...

Одатда худди ана шундай шодиёна дақиқаларда шу куннинг қаҳрамони сифатида эъзозланаётган кишиларнинг ҳаёт йўллари яна бир карра эслаб ўтилади. Саволжавоблардан шу нарса маълум бўлдики, Қувада Қўчқоровой тракторчи номи билан машҳур бўлган, дастлабки «фардзон»лардан то замонавий замжирли тракторларгача минган биринчи механизаторнинг ўғли бўлмиш Муҳаммаджон ҳам аксари қишлоқ болалари сингари ғўза чопиб, пахта териб, сувчилик қилиб юради. Сал суяги қотгач, отасининг ёнига кириб, трактор ҳайдайди. Ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, табелчиликка тайинланади.

— Нечанчи йилда бригадирликка кўтарилгансиз? Муҳаммаджон Қўчқоров раис Абдурасул Юнусовга кулимсираб қаради. Раис эса, бундан бир неча йил муқаддам бўлиб ўтган бир воқеани эслатди.

... Ўшанда Муҳаммаджон қолоқ бир бригадада табелчилик қиларди. Шуниси қизиқки, бригада бошлиғи боқибеғам, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайдиганлардан эди. Бригада ихтиёридаги ерлар 47 та майда-чуйда, бўлтак-бўлтак майдонлардан иборат бўлиб, уларни йириклаштириш бригадирнинг хаёлига ҳам келмасди. Ҳатто 40—50 сотихлик ерлар ҳам бор эди. Аввалбаҳор кунларининг бирида Муҳаммаджон ана шу ерларнинг лоақал бир қисмини йириклаштириш зарурлиги ҳақидаги масалани қатъий қилиб қўйди.

— Чўтингни қоқиб, дўппингни раиснинг олдига олиб борди. Раис ёш йигитнинг кўзида чақнаб турган ўт, нигоҳларидаги қатъиятни яхши ҳис этганди ўшанда. Кечқурунга бориб, колхоз правлениеси Муҳаммаджонни шу бригадага бошлиқ қилиб тайинлагани ҳақида қарор қабул қилганлиги маълум бўлди.

— Мен бригадир бўламан деб жанжаллашганим йўқ, — эътироз билдирди у. — Аммо жавоб қатъий эди: «Бу колхоз правлениесининг қарори. Вассалом!»

Шундай қилиб, янги бригадир ишни лахтак-лахтак ерларни бирлаштириш, қариб мевадан қолган дарахтларни кесиб, кундаков қилишдан бошлади. Келгуси йили қиш ичи ҳам худди шу иш билан машғул бўлди. Очиғини айтиш керак, бригадирликни бошлашга бошладиг-ю, аммо сурункасига икки йил планни бажара олмади. Аммо, ҳамқишлоқлари унинг ишга қаттиқ киришганини кўриб туришар, иш юришиб кетишини сезишарди.

Шундай бўлди ҳам. Учинчи йили унинг бригадаси планни ошириб бажарди. Пешанасига 23—24 центнердан ортиқ пахта битмаган ерларда 36 центнердан хирмон кўтарилди. Кейинги йилларда эса бу рақамлар 40—45, ҳаттоки 50 центнерга етди ва ундан ҳам ўтиб кетди!

Бу айтмоққа асосан 14—15 йил ичида ҳосилдорликни бир ярим, икки ҳисса оширишга жўнгина эришилгани йўқ. Шахсан бригадирнинг ўзи саратон жазирамасида ҳам, баҳор ёмғирларида ҳам, қирчиллама қишда ҳам далалардан оёғини узмади. Собиқ бригадирдан бошқаларга ўтган беғамлик ва лоқайдлик иллатидан қутилиш ҳам осон кечгани йўқ. Аммо Муҳаммаджон бирорта ҳам одамни бригададан четлаштирмасдан бунга эришди.

Муҳаммаджон Қўчқоровнинг ишлаб чиқариш командирига хос улкан ташкилотчилик санъати, топқирлиги ва зукколиги ўтган мураккаб йилда ҳам ёрқин кўзга ташланиб турди. 43 кишидан иборат аҳил коллектив аъзолари баравар жонбозлик кўрсатиб ишлашди. Натижада гектаридан 51 центнердан «оқ олтин» териб олинди.

Довруғли деҳқон етакчилик қилаётган коллектив 1983 йил ҳосили учун ҳам пухта ҳозирлик кўрмоқда. Далалар сифатли шудгорланган. 450 тонна маҳаллий ўғит далалар бошида компост қилиб қўйилган.

Ҳар гектар ҳосилга, — дейди бригада бошлиғи, — ўртача 40 тоннадан маҳаллий ўғит соламиз. Алмашлаб экишни ҳам изчил олиб боряпмиз. Пахтадан юқори ҳосил олишнинг асосий омиллари ҳам шулар. Шу кеча-кундузларда бригада территорияси дагги ариқ-зовурларни тозалаш поёнига етай деб қолди.

Қува район партия комитети бюроси аъзоси, «Меҳнат Шуҳрати» орденларининг тўла кавалери, коммунист, ажойиб пахта устаси Муҳаммаджон Қўчқоров ўзи раҳбарлик қилаётган бригада коллективининг бу йилги аҳду паймонлари ҳақида гапирар экан, характерли рақамларни келтиради. Бу йил, — дейди у, — гектар ҳосилга 55 центнердан «оқ олтин» етиштириш ниятидамиз. Юксак мукофот коллективимизни шунга даъват этмоқда. Бунинг уддасидан чиқишга қодирмиз.

Шу ўринда яна бир нарсани ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Ўртоқ М. Қўчқоров ўз бригадасидаги ёрдамчи хўжаликни янада ривож топтириб, давлатга 5—10 тонна гўшт сотиш ташаббуси билан майдонга чиққан бригада бошлиқларидан бири.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — ЖОНАЖОН ИШИМИЗ

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЙМИЗ

СИРДАРЁ — ТОШКЕНТ ГРЭСИ ГАЗ ҚУВУРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ ИШГА ТУШИРИШ ЮЗАСИДАН СССР НЕФТЬ ВА ГАЗ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИГА ҚАРАШЛИ «СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИ ТАШКИЛОТЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Средазнефтегазстрой» трестининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил май ва ноябрь Пленумлари қарорларига амал қилиб, ўн биринчи беш йиллик иккинчи йили давлат плани ва социалистик мажбуриятларнинг муддатидан илгари бажарилишини таъминладилар.

Трест бўлинмалари республика ёқилғи-энергетика базаси ва экономикасини янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга интилиб, социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар ва Сирдарё — Тошкент ГРЭСи газ қувурини Охангарон цемент заводи ва Олмалиқ саноат узелига олиб борадиган шохобчалари билан биргаликда муддатидан илгари фойдаланишга топшириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар.

Мажбуриятларда қуйидагилар кўзда тутилган:

Тўрт ойлик қурилиш-монтаж ишлари плани В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллиги санасигача бажарилади. Қурилиш машиналари ва механизмларидан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ходимларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини ошириш асосида газ қувурининг Охангарон ва Олмалиқ участкасини июль ойида, 206 километр узунликдаги бутун газ қувурини эса СССР Конституцияси куни — 1983 йил 7 октябрга-ча муддатидан илгари ишга тушириш таъминланади.

Технология жараёнларини янада интенсивлаштиришни амалга ошира бориб, қурилиш-монтаж ишларида банд бўлган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги белгиланган планга нисбатан 0,4 процент оширилади.

Озиқ-овқат программаси қарорини бажара бориб, 1983 йилда Ангрен дарёсининг қуйи қисмида озуқа ва сабзавот экинлари экиш учун 100 гектар ер ўзлаштирилади.

Хўжеликдаги резервларни сафарбар этиш, моддий ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан окилона фойдаланиш ҳисобига 8 тонна қора металл прокати, 15 тонна цемент, 40 минг киловатт-соат электр энергия ва 90 тонна шартли ёқилғи иқтисод қилинади.

«Средазнефтегазстрой» трестининг меҳнат коллективлари СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги, Газ саноати министрлиги, Транспорт қурилиши министрлиги, Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ҳамда Сирдарё — Тошкент ГРЭСи газ қувурини барпо этишда иштирок этаётган бошқа министрликлар ва идораларнинг барча корхоналари ва ташкилотларини ушбу мажбуриятларни қўллаб-қувватлашга, республика учун муҳим бўлган ёқилғи-энергетика объектини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш юзасидан социалистик мусобақани кенг авж олдиришга даъват этдилар.

Социалистик мажбуриятлар трест меҳнат коллективларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Суратда: Трестга қарашли 6-ихтисослашган бошқарма пайвандчилар бригадасининг илғор аъзоларидан бир группаси: Н. Колесников (бригада бошлиғи), В. Зябко, Н. Ёқубов, В. Содиқов, И. Нургалиев, М. Газизов, Р. Мухамеджонов ва В. Старцев ўртоқлар. А. Кошкин фотоси (УзТАГ).

ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ КПСС XXV СЪЕЗДИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ГРЭСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1983 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли КПСС XXV съезди номидаги Тошкент ГРЭСининг коллективи КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини бажара бориб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, 1982 йилда қабул қилинган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарди: йиллик пландан ташқари 92,6 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилинди, технология жараёнини янада такомиллаштириш, ижодий активликни ошириш ҳисобига 6,6 миллион киловатт-соат электр энергия, 1023 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинди, иш бажаришга шайлик коэффициентининг адо этилиши таъминланди.

Тошкент ГРЭСининг коллективи КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини турмуша татбиқ этиб, меҳнатнинг ташкил этилишини янада яхшилаш, меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, ички резерваллардан фойдаланиш, энергияни тежовчи техникани ва ёқилғи-энергетика ресурсларини иқтисод қилувчи технологияни жорий этиш соҳасидаги ишни кенг миқёсда авж олдириб юборди ва 1983 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилди:

Халқ хўжалигига узлуксиз энергия етказиб бериш таъминланади ва электр станциянинг пухта ишлаши соҳасида эришилган натижалар мустаҳкамланади, электр станциянинг иш бажаришга шайлик коэффициенти бир процент оширилади;

Ёқилғи-энергетика ресурслари ва материалларни эҳтиёт қилиб асраш, тежаш, ички хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаш воситаларини такомиллаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш чиқимлари 35 минг сўмлик миқдорида камайтирилади. Фан ва техника, илғор тажриба ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги ташкилий-техникавий тадбирларни бажариш, ходимларнинг ижодий ташаббускорлигини ошириш ва ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш йўли билан ҳар киловатт-соат электр энергия ҳосил қилишга сарф бўладиган ёқилғи улуши 0,2 грамм камайтирилади, шу йўл билан 1200 тонна шартли ёқилғи тежаб қолинади, ўз эҳтиёжлари учун электр энергия сарфлаш 3,5 миллион киловатт-соат қисқартирилади. Станция ходимларининг меҳнат шароитларини ва меҳнатни муҳофаза қилишни яхшилаш ҳисобига кадрларнинг қўнимсизлиги 1,5 процент камайтирилади;

Монтаж ташкилотлари билан биргаликда Шўртон конининг таркибида олтингугурт кам бўлган газ қувурини «Узбектрансгаз» газ тақсимлаш станциясидан Тошкент ГРЭСигача қуриб, биринчи кварталда ишга туширилади:

Энергетика блоклари машинистларининг ёқилғидан самарали фойдаланиш соҳасидаги иш натижаларини электрон ҳисоблаш машинасида ишлаб чиқиш системаси, шунингдек энергетика ишлаб чиқаришнинг сифатини бошқарувчи комплекс системанинг биринчи навбати жорий этилади;

Йиллик план ҳамма техникавий-иқтисодий кўрсаткичлар жиҳатидан 1983 йилнинг 30 декабригача яхши иш сифати билан муддатидан илгари бажарилади ва электр ускуналари барвакт капитал ремонт қилинади. Станция ходимларининг маҳоратини такомиллаштириш мақсадида 30 кишига иккинчи касб ўргатилади ва 520 кишининг малакаси оширилади.

Тошкент область Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхозида оталик иши давом эттирилади. қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда мунтазам ёрдам берилади.

Биз республикадаги барча электр станцияларнинг ходимлари коллективларини энергетика ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишга, бутун асбоб-ускуналар ишидаги сифат кўрсаткичларини яхшилашга, 1983 йилги план ва мажбуриятларни ҳамда умуман беш йилликни муддатидан илгари бажаришга чақирамиз.

Социалистик мажбуриятлар Тошкент ГРЭСи коллективининг йиғилишида муҳокама қилиниб, қабул этилган.

КЎКЛАМ ТАРАДДУДИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎЗТАГ МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СУВЧИЛАР ВАХТАСИ

Маматқосим Ўрунов билан Абдусалом Алимов Комсомол районидаги «Ленинград» совхозида сувчилар мусобақасининг пешқадамлари бўлдилар. Тупроқ шўрини ювишда эришган юксак кўрсаткичлари учун уларга кўчма вимпеллар ва пул мукофотлари берилди.

Хўжалик меҳнаткашлари тупроқнинг шўрини ювиш ишларини юксак суръатлар билан бажармоқдалар. Бу ерда уч минг гектардан кўпроқ майдоннинг шўрини ювиш керак. Ишни жадаллаштириш мақсадида сувчиларнинг уч сменада ишлаши ташкил этилган. Совхозда шўр ювиш ишларида жами 154 киши банд бўлиб, уларнинг ҳаммаси юксак меҳнат унумдорлигига эришмоқда.

ҲОСИЛДОРЛИК ПУНКТИ

Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхозда барча ўғитлар марказлаштирилган омборхонага жойлаштирилган. Бу ерда химиялаштириш пункти ташкил этилган бўлиб, у ўғитлардан оқилона фойдаланиш имконини берди, деҳқонларни минерал аралашмалар тайёрлашдек сермеҳнат ишдан халос қилди.

Химиялаштириш пункти ташкил этилганлиги туфайли колхозчилар беш йилликнинг учинчи йилида тупроққа солинадиган ҳар бир килограмм азот ҳисобига 20 килограммдан «оқ олтин» олишни мўлжалламоқдалар. Бу эса ўғитлар бевосита бригадаларда сакланган ва озиқлантиришга тайёрланган илгариги пайтдагидан уч килограмм кўпдир.

БЕЛОРУССИЯ КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

МИНСК. 13 январь. (ТАСС). Бутун бу ерда Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленум ташкилий масалани кўриб чиқди. Н. Н. Слюньков Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. У узоқ вақт мобайнида Белоруссиядаги партия ва хўжалик ишларининг турли соҳаларида ишлади. Кейинги йилларда СССР Госплани Раисининг ўринбосари эди.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов иштирок этди.

ДЎСТОНА УЧРАШУВ

12 январь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев-нинг Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитети раиси Я. Арафат бошчилигидаги Фаластин Озодлик ташкилоти делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида Яқин Шарқдаги аҳвол хусусида батафсил фикрлашиб олинди. Арафат исроиллик агрессорларга фаластинлик ва ливанлик ватанпарварлар қаҳрамонона зарба берганликлари тўғрисида гапирди. У мана шу курашни актив қўллаб-қувватлаганлиги учун Совет Иттифоқига астойдил миннатдорчилик изҳор этди, КПСС билан Совет давлати Фаластин халқига нисбатан тутиб келган ва тутаётган позицияни юқори баҳолади.

Музокараларнинг қатнашчилари Исроилнинг Фаластин халқига ва бошқа араб халқларига қарши агрессияси давом этаётганлигини, унинг босиб олинган араб ерларида қилаётган бедодлиги ва жабр-зулмини, ҳарбий дўқ-пўписа йўли билан Ливанга таслимчилик шартларини тиқиштириш ва шу тарзда мана шу араб давлатига қарши қароқчиларча қилган ҳужуми натижаларини мустаҳкамлаб олиш йўлидаги уринишларини кескин қораладилар.

Исроилнинг арабларга қарши қилаётган жиноий босқинчилик ҳаракатлар учун агрессорни рағбатлантираётган ҳамда унга ҳар томонлама ёрдам ва мадад бераётган АҚШ ҳам тўлатўкис жавобгар эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Иккала томон Яқин Шарқдаги аҳволни одилона ва ҳар томонлама ҳал этишга интиларишга аҳд қилганлигини билдирди. Фаластинлик араб халқининг миллий ҳуқуқларини, шу жумладан унинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва ўзининг мустақил давлатини вужудга келтириш ҳуқуқи бу масаланинг ажралмас таркибий қисми бўлиб қолиши лозимлигини айтди. Яқин Шарққа бағишлаб халқаро конференция чақириш тўғрисида Совет Иттифоқи ўртага қўйган таклиф бунинг учун амалий йўл очади, бу конференцияда Фаластин халқининг бирдан бир қонуний вакили — Фаластин Озодлик ташкилоти бошқа томонлар билан тенг ҳуқуқли асосда иштирок этиши керак.

Совет томони Фаластин проблемасини ҳал қилишнинг ва умуман Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этишнинг Фездаги умумараб кенгаши маъқуллаган принципларига ижодий назар билан қараётганлиги изҳор қилинди. Бундан буён ҳам СССР ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган Фаластин халқига ҳамда араб халқларига мадад бераверишни билдирилди.

Иккала томон барча араб давлатлари ва халқларининг мустақиллиги ва суверенитетини, уларнинг ҳаётий манфаатларини Исроил экспансиясидан ва империализмнинг янги мустамлакачилик сиёсатидан ҳимоя қилиш учун уларнинг жипслашуви муҳимлигини уқтириб ўтди.

Фаластинлик араб халқи номидан Я. Арафат фаластинликларга доимо бегараз ёрдам бериб келаётганлиги учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор этди, Фаластин Озодлик ташкилотининг СССР билан дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган принципиал йўлини тасдиқлади.

(ТАСС).

„ТОҒ СТАДИОНИ"ДА

Чимганда катта спорт анжумани бошланди

1983 йилнинг 13 январи Чимган солномасига қизил ҳарфлар билан ёзилиб қолади. Шу куни Тянь-Шань этакларининг хушманзара маскани катта спорт орбитасига чиқди. Қорли стадионнинг очилишига Москва, Ленинграддан, қардош республикалардан меҳмонлар келганлиги қувонч устига қувонч бўлди: мамлакатнинг энг ёш қишки спорт базасида биринчи бор Бутуниттифоқ спорт мусобақалари ўтказилди.

Тоғ қиядиклари латофати ва нафосатини сақлаб қолиб, бу ерни истироҳат ва спорт зонасига айлантириш учун кўп меҳнат қилишга ва азият чекишга тўғри келди.

Лойиҳачилар, қурувчилар, монтажчилар, спорт мутахассислари тошпирилган ишни ўз вақтида уддаладилар. Бу ерда одамлар сарфлаган зўр ғайратга табиат ҳам саховат билан жавоб берди: худди буюртириб қўйилгандек, мусобақа бошланадиган куни қор ёғиб берди. Аммо шу кунгача ҳамма тайёрлик эди: ноябрда ёққан биринчи қор эриб кетиб, тоғ этакларида ер кўриниб қолган эди. Синоптиклар эса: албатта қор ёғади, деб ишонч бахш этган эдилар. Дарҳақиқат, беллашув бошланишига бир неча кун қолганда Чимган узра қорли булутлар пайдо бўлди. Белгилаб қўйилган трассаларга оппоқ поёндозлар ёзилди.

Шу куни қишки ҳордиқ ва спорт ишқибозларидан минглаб киши Чимганга тўпланди. Мусобақа қатнашчиларининг паради завқли бўлди, уларнинг колонналарида спорт жамиятлари ва идораларининг тоғ чангичилари ўтишди. Мусобақанинг бош судьяси Г. Вотрин қишки стадионнинг мусобақага тайёрлиги тўғрисида маълумот берди. Бу ерда бўлиб ўтган митингда мусобақалар ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг секретари О. Адаманов, «Чимганстрой» трестининг электр пайвандчиси А. Рўзибоев, СССР халқлари V қишки спартакиадасининг чемпиони, халқаро классдаги спорт мастери Н. Перчаткина, Ўзбекистон тоғ чангичилари терма командасининг аъзоси, спорт мастери А. Гойибов, СССР Физкультура ва спорт комитети қишки спорт турлари бошқармасининг бошлиғи В. Галаев партия билан ҳукумат меҳнаткашларнинг сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлаш, мамлакатда физкультура ва спортни ривожлантириш ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилаётганликлари, Чимганда барпо этилган қишки спорт базасининг аҳамияти тўғрисида гапирдилар.

Чимгандаги биринчи Бутуниттифоқ спорт мавсуми очилишига бағишланган тантаналли маросимда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, У. У. Умаров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдулласва, Қ. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, М. Т. Турсунов қатнашдилар.

(Давомн тўртинчи бетда).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

12 январь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов раислигида СССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Президиум СССР Олий Советининг 1982 йилги фаолияти якунлари тўғрисидаги ва 1983 йилда амалга оширилиши мўлжалланаётган тадбирлар плани ҳақидаги масалани кўриб чиқди. В. В. Кузнецов берган ахборотда қайд этиб ўтилдики, СССР Олий Совети, унинг Президиуми, палаталарнинг доимий комиссиялари 1982 йилда партиямизнинг сиёсий йўлини амалда рўёбга чиқариш, давлат, хўжалик қурилишига ва социал-маданий қурилишга раҳбарликни таъминлаш билан боғлиқ кўпгина масалаларни кўриб чиқдилар. Олий ҳокимият органининг ишида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга, меҳнаткашларни Озиқ-овқат программасини бажаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, контролни кучайтиришга сафарбар этишга катта эътибор берилди.

СССР Олий Совети Президиуми 1983 йилда СССР Олий Советида амалга оширилиши кўзда тутилаётган асосий тадбирлар планини маъқуллади. Бу план партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва ноябрь Пленумларининг йўл-йўриқлари, 1983 йилда иқтисодий ва социал ривожлантириш плани тўғрисидаги Қонун асосида ишлаб чиқилган. Партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини - рўёбга чиқариш, Советлар фаолиятининг демократик асосларини янада ривожлантириш ҳамда хўжалик ва социал-маданий қурилишда уларнинг ролини ошириш, планларнинг, қонунларнинг қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан, ўзига ҳисобот берувчи органларнинг иши устидан Олий Советнинг контроллигини кучайтириш, давлат интизомини мустаҳкамлаш. СССР Олий Совети билан унинг органларининг ташқи сиёсий фаолиятини активлаштириш СССР Олий Совети ишидаги асосий йўналишлар бўлади.

Мажлисда СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. Н. Ментешашвилининг ахбороти юзасидан СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш ҳамда меҳнаткашларни интернационал руҳда тарбиялаш борасида халқ депутатлари Советларининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

СССР Олий Совети Президуми Раисининг ўринбосари С. Н. Имашев билан Президиум аъзоси Н. Г. Басов иттифоқдош ва автоном республикалар, областлар, шаҳарлар, районлар, меҳнат коллективлари ўртасидаги анъанавий интернационал алоқалар янада ривож топганлиги ҳақида, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибани, ғоявий тарбия ва маданият соҳасидаги ютуқларни ўзаро бахам кўриш кенгайганлиги ҳамда бойиганлиги тўғрисида сўзлаб бердилар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ю. В. Андропов шу масала юзасидан сўзга чиқиб, мамлакатимиз халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш соҳасида халқ депутатлари Советларининг юбилей йилдаги бой ва хилма-хил иш практикасига тўхталиб ўтди. У Советлар давлат қурилиши ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этиш чоғида миллий ўзига хос хусусиятларни конкретроқ ва чуқурроқ ҳисобга олиш, барча миллатлар ва элатларни, хусусан, майда халқларни ҳар томонлама ривожлантириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш кераклиги вазифасига эътиборни жалб қилди. Ленинча миллий сиёсатдан ҳар қандай оғишларни амалда қатъият билан бартараф этиш, барча миллатларга мансуб совет кишиларининг тўла тенглигини изчиллик билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Қабул қилинган қарорда СССР Олий Совети Президиуми халқ депутатлари Советларига партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумларининг қарорларига, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлис материалларида баён этилган қоидаларга амал қилиб, СССР халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда чуқурлаштиришга, экономикани ривожлантириш, ҳар бир иттифоқдош республиканинг хусусиятларини, мамлакатдаги барча миллатлар ва элатларнинг манфаатларини пухта ҳисобга олган ҳолда меҳнаткашларнинг фаровонлиги ва маданиятини оширишдан иборат умумхалқ вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга доимий эътибор беришларини топширди.

Моддий техника ресурслари, табиий ва меҳнат ресурсларидан тўлароқ фойдаланишни, ҳар бир республиканинг иқлим хусусиятлари ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинишини таъминлашга, республикаларо иқтисодий алоқаларни, шартнома ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлашга, ишлаб чиқарувчи кучлар жойлаштирилишини, регионал ихтисослаштириш ва кооперацияни такомиллаштиришга, транспорт ва йўл тармоғини ривожлантиришга, республикаларнинг потенциали умумиттифоқ потенциалига янада оқилона кўшилишига бутун чоралар билан кўмаклашишга халқ депутатлари Советлари билан уларга бўйсунган органларнинг эътибори жалб қилинди. СССРнинг Озиқ-овқат программасини ва унда барча иттифоқдош республикалар учун белгиланган конкрет вазифаларни амалда рўёбга чиқаришга, яқин вақт ичидаёқ ҳар бир иттифоқдош республика совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашдан иборат гоят муҳим ишга реал ҳисса қўшмоғи учун агросаноат комплексини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиши керак.

Советлар халқ истеъмол моллари, хусусан маҳаллий аҳоли ўртасида харидоргир бўлган анъанавий моллар ва буюмларни ишлаб чиқаришни, уларнинг хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан қўшимча чоралар кўришлари, халқ бадиий ҳунармандчилигини ривожлантиришга кўпроқ эътибор беришлари: республикаларда яшаётган барча миллатлар ва элатлардан малакали ишчилар тайёрлашни кенгайтириш ва яхшилашга, кўп миллатли меҳнат коллективларини янада жипслаштириш ва ривожлантиришга, бу коллективларда СССР халқлари дўстлиги ва қардошлиги муҳитини, юксак талабчанлик, маъсулият ва интизом руҳини вужудга келтиришга актив кўмаклашишлари керак.

Халқ депутатлари Советларининг территориясида ишлаб турган ўкув юртлари, маданият, санъат муассасаларининг имкониятларидан меҳнаткашларни мамлакатдаги барча миллат ва элатлар ўртасида ўзаро ҳурмат ҳамда дўстлик руҳида, совет Ватанига меҳр-муҳаббат, интернационализм, бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлари билан бирдамлик руҳида тарбиялаш учун максимал даражада фойдаланиш, миллий маданиятларни бойитиш, мамлакатимиздаги ҳар бир халқнинг маънавий мероси ва анъаналари берадиган ҳамма яхши нарсалардан фойдаланиш борасида ҳозирги замон талабларига мос келадиган иш формалари ва методларини сабот билан ривожлантириш вазифаси қўйилди. Эскириб қолган урф-одатларни идеаллаштириш йўлидаги ҳар қандай ҳаракатларга қарши активроқ ҳаракат қилиш, янги совет анъаналари ва расм-русумларини бутун чоралар билан ривожлантириш, совет жамиятида яшаш нормаларига, социалистик ахлоқка, коммунистик идеалларга хилоф бўлган нарсалардан қатъиян халос бўлиш, миллий кибр-ҳаво, кеккайиш, бошқа миллатлар ва элатларга ҳурматсизлик билан муносабатда бўлиш каби салбий ҳодисаларга қаршн курашиш зарур.

Қарорда барча миллатларга мансуб меҳнаткашларнинг халқ депутатлари Советлари фаолиятида, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда иштирок этишн формаларини зўр бериб такомиллаштириш муҳимлиги; иттифоқдош ва автоном республикаларнинг кўп миллатли составида барча миллатлар совет органларида етарли даражада вакиллик қилишлари учун чоралар кўриш, аҳолининг сиёсий активлигини ошириш, жамоатчилик асосида ишловчи органларнинг самарали ишлаши учун, депутатларнинг сайлов округларида ва меҳнат коллективларидаги фаолиятини активлаштириш учун шарт-шароит яратиш, СССРдаги барча миллатлар ва элатларнинг дўстлигини мустаҳкамлаш борасида улар зиммасига қонунда юклатилган вазифани бажаришга ҳар томондама ҳисса қўшишлари таъкидланади.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиуми СССР прокуратурасининг фаолияти тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шу масала юзасидан СССР Бош прокурори А. М. Рекунков ахборот берди. Мазкур масала юзасидан сўзга чиққан СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, Д. А. Кунаев, Г. В. Романов, В. В. Шчербицкий, Ш. Р. Рашидов, Н. А. Новоселова, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Т. Х. Кошоев ва И. Г. Кабикнинг нутқларида қонунларга, давлат интизоми талабларига риоя этилиши устидан назорат қилиб тўриш, социалистик мулк ўғриларнинг ниқоблаш ва унинг олдини олиш, мансабни суиистеъмол қилишга, порахўрликка, ноҳофгарчиликка, хўжасизликка қарши кураш, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш, совет граждаларининг ҳуқуқ ва манфаатлари мустаҳкам ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида прокуратура фаолиятини янада активлаштириш зарурлиги уқтириб ўтилди.

СССР ички ишлар министри В. В. Федорчук ўз нутқида жиноятчилика қарши курашда милиция ишини яхшилаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча органлар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид бир қанча масалаларни ўз нутқида ўртага қўйди.

СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган қарорда СССР Бош прокурорига ва унга бўйсунувчи прокурорларга мамлакатнинг бутун территориясида ҳар қандай маҳаллий ва маҳкамачилик таъсирларига қарамай қонунлар аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан олий назоратни амалга ошириш юзасидан СССР Конституцияси ва қонунларида берилган ваколатлардан янада тўлароқ фойдаланиш учун барча чораларни кўришни таклиф этди.

Гражданларнинг меҳнат ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, қонунчилик ва давлат интизоми бузилаётганлиги тўғрисидаги ариза ва шикоятларни синчиклаб ва ўз вақтида кўриб чиқиш, меҳнаткашларнинг бошқарув органларига, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисидаги қонунларга риоя қилинишн устидан назоратнинг таъсирчанлигини ошириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети талаблари сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарурлиги прокуратура органларига кўрсатиб ўтилди.

ССР Иттифоқи прокуратурасига СССР Ички ишлар министрлиги билан биргаликда жиноятчиликка, ичкиликбозликка, алкоголизмга, текинхўрлик кўринишларига ва бошқа хил ҳуқуқ бузишларга қарши курашда прокуратура ва ички ишлар органларнинг янада мустаҳкам ҳамкорлик қилишлари учун таъсирчан чоралар кўриш вазифаси топширилди.

Профилактика ишлари самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ бузишларнинг олдини олиш борасида прокуратура ва ички ишлар, юстиция органлари ва судларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилаш вазифаси қўйилди.

Иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига социалистик қонунчиликни янада мустаҳкамлаш ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни мунтазам кўриб чиқиш; совет қонунларини пропаганда қилишни ва аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашни такомиллаштириш тадбирларини кўриш; халқ депутатларини, жамоат ташкилотларини, меҳнат коллективларини ҳуқуқ бузишларга қарши курашда профилактика тадбирларини ўтказишга кенгроқ жалб қилиш тавсия этилди.

Сўнгра СССР Олий Совети Президиумига ва «Известия» газетаси редакциясига нонни исроф қилмаслик масалалари хусусида меҳнаткашлардан келган хатлар тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. СССР Олий Совети Президиуми энг муҳим бойликларимиздан бири — нонни исроф қилмаслик зарурлиги тўғрисидаги масалалар меҳнаткашлар хатларида тўғри қўйилганлигини уқтириб, тегишли давлат органларига ва ташкилотларга нондан ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларидан оқилона фойдаланиш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлар бажарилишин таъминлашга оид қўшимча чоралар қабул қилишни топширди.

Давлат ҳаётининг оошқа баъзи масалалари ҳам кўриб чиқилди.

СССР Олий Совети Президиумининг мажлисида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети бўлимларининг бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

ҒОЯВИЙ ФРОНТ ЖАНГЧИЛАРИ

МУШТАРАК МАҚСАД

— Районимиздаги 360 лектор ва агитаторнинг 90 нафари хотин-қизлардир, — дейди Хоразм область, Хонқа «Билим» жамияти район ташкилоти правлениесининг раиси Тўтихон Бекметова. — Улар орасида турли касб эгалари бор. Илгор сут соғувчи Надежда Анни олинг. 43 йилдирки, фермада ишлайди. Ўнлаб сут соғувчиларнинг меҳрибон мураббийси. Мусофақада пешқадам. Асов Амударё тарк этган эски қайирлар ва тўқайзорлар ўрнида бунёд топган Ал-Хоразмий номли совхозга биринчиларнинг бўлиб келди. Шоличиликка ихтисослашган ёш хўжаликда чорвачиликни комплекс ривожлантириш борасида унинг хизматлари беқиёс. Моҳир соғувчи ташаббуси билан 1970 йилда совхозга Латвия ССРдан 24 бош зотли қорамол келтирилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 647 тага кўпайди.

Правление раисининг фахрланиб айтганича бор. Надеждани районнинг моҳир лекторларидан бири сифатида ҳам ҳурмат қилишади. Унинг лекция ва суҳбатлари ҳар гал тингловчилар томонидан қизғин кутиб олинади. Шу боисданки, илгор соғувчининг сурати правление «Ҳурмат тахтаси»дан тушмай келади.

Бундай мақтов сўзларни ажойиб врач Нина Гаврилова номига ҳам айтиш мумкин. Район марказий касалхонасида туғруқхона бўлими бошқарувчиси Нина Андреевна тадбиркор доя бўлиши билан бирга 20 йиллик лекторлик тажрибасига эга. Сиз уни гоҳ мактабларда катта ёшдаги қизлар билан суҳбатда, гоҳ колхозчи хотин-қизлар орасидаги қизғин мунозараларда, гоҳ маҳаллий совет раисининг корхоналари ишчи-хизматчиларига меҳнат гигиенаси ҳақида лекция ўқиётган кезларда учратасиз.

Район хотин-қизлари учун мавжуд бешта халқ университетида 890 нафар тингловчи актив иштирок этмоқда. Улар Нина Андреевнанинг суҳбатини алоҳида ҳаяжон билан кутишади. Чунончи, гиламчилик фабрикасида ташкил этилган «Сиҳат-саломатлик» университети унинг ташаббуси билан очилди. Охунбобоев номли колхоз хотин-қизлари орасида иш олиб бораётган «Гигиена, маданият ва маиший хизмат» халқ университети ҳам эндиликда унинг номи билан боғлиқлиги, айниқса, қувончлидир.

Районда касби врач бўлган лектор ва агитаторлар жуда кўп. Улардан яна бири район болалар касалхонасининг бош врачи Матлуба Жабборовадир. Матлуба асосан маҳаллаларда, хонадонларда агитация, пропаганда ишлари олиб боради. Одамлар билан яккама-якка суҳбатлашишни хуш кўради. Ёш оналар, уй бекалари билан совет турмуш тарзи, оила маданияти, бола тарбияси сингари турли хил мавзуларда гурунглар қилади. Пахта йиғим-терим мавсумида врач-лекторнинг ташвиши янада ортади. Дала шийпонлари қошидаги мавсумий боғчаларда тез-тез бўлиб тарбиячиларга тегишли маслаҳатлар беради, оналарнинг иш шароити билан танишиб кичкинтойлар парваришига эътибор қилади.

Район «Билим» жамиятида 21 бошланғич ташкилот бўлиб, уларнинг бирини Макаренко номли мактаб ўқитувчиси, мактаб партия ташкилотининг секретари Клара Ражабова бошқаради. Пахта тозалаш заводи қошидаги бошлангич ташкилотга эса корхона ишчилар комитетининг раиси Холжон Ёқубова раҳбарлик қилади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам ишда илғор, турмушда ўрнак, жамоат ишларида фаол хотин-қизлардир.

Пахта тозалаш заводида бўлиб ўтган бир воқеа кўпчиликнинг ёдида. Агитатор Холжон Ёқубова «Актив ҳаётий позиция нима?» деган мавзуда суҳбат ўтказди. Йиғилишга у оммавий агитация ишлари бўйича касбдоши — Клара Ражабовани завод ишчилари ўртасида лекция ўқишга таклиф қилди. Лектор мисолларни кўпроқ маҳаллий фактлар билан боғлаб тушунтиришга уринди.

— Бизда. — деди у, — ўз бурчини сидқидилдан адо этиб, партия, ҳукумат ва кенг меҳнаткашлар оммаси ҳурматига сазовар бўлаётган хотин-қизлар камми? «Госкомсельхозтехника» район бирлашмасига қарашли техника ремонти устахонасининг илғор бригада бошлиғи Сўнажон Жуманиёзова билан учрашув бўлади» деган эълон пайдо бўлди. Учрашув маромли ўтди. Энг муҳими, пахта тозаловчилар ремонтчи қизлар бригадаси коллективи бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида оришаётган кувончли ютуқларнинг сир-асрорлари билан танишдилар, тажриба алмашдилар. Лектор Клара Ражабова билан Холжон Ёқубова бошқараётган «Билим» жамияти район ташкилотининг икки бошланғич ташкилотида тўпланган «Илғор тажрибалар — оммага» мавзуидаги халқ университети шундай юзага келди.

Ҳа, Хонқа район хотин-қизлари орасида агитация-пропаганда ишлари олиб бораётган 90 нафар хотин-қизларнинг, хусусан, «Билим» жамияти район ташкилотининг раиси Холжон Ёқубова ва агитаторларнинг, хусусан, «Билим» жамияти район ташкилоти лекторларининг фаолияти мақтовга молик. Уларнинг касбкори турлича, лекция ва суҳбатларининг мавзулари турлича, миллати, характери турлича, аммо мақсади, маслаги — ягона, муштарак!

Р. ЗАРИПОВА,
Хоразм области.

ТОШКЕНТ. Тошкент тўқимачилик комбинати 3 филиалининг 60 процент ишчи-хизматчилари бу йил илғор иш усули — бригада пудрати асосида меҳнат қилишга бел боғлашган. Бу усулда коллектив бир кеча-кундузда белгиланганидан 3 минг погон метр кўп маҳсулот ишлаб чиқаради. Айни кунларда корхона цехлари ва бригадаларида дастгоҳларга хизмат кўрсатиш даражаси тобора ошиб, тўқимачилар юксак уюшқоқлик ва онгли интизом руҳида меҳнат қилмоқдалар. Суратда корхонанинг илғор тўқувчилари (чапдан) Гулчеҳра Мирсоатова, Баҳтли Илёсова, Гулчеҳра Умарова ўртоқларни кўриб турибсиз.

Р. Нуриддинов фотоси (ЎзТАГ).

БЕЛОРУССИЯ Т. Я. КИСЕЛЕВ БИЛАН ВИДОЛАШМОҚДА

МИНСК, 13 январь. (ТАСС). Минск майдонлари ва кўчаларидаги байроқлар эгиб қўйилган. Қаҳрамон шаҳар аҳолиси, республика меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет давлатининг таниқли арбоби, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тихон Яковлевич Киселев билан видолашмоқдалар.

Ҳукумат уйи мотам либосида. Бу ерда Белоруссия ССР Олий Советининг залига марҳумнинг жасади солинган тобут қўйилган.

Супа олдига Социалистик Меҳнат Қаҳрамонининг «Ўроқ ва Болга» олтин медали, бешта Ленин ордени, Октябрь Революцияси, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, Ватан Т. Я. Киселевнинг хизматларини тақдирлаган бошқа мукофотлар қўйилган.

Мотам куйлари чалинади. Тобут ёнига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советидан гулчамбар қўйилган.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитетидан, БССР Олий Совети Президиумидан, БССР Министрлар Советидан, РСФСР, Украина, Литва меҳнаткашларидан, Белоруссиянинг жамоат ташкилотларидан ва меҳнат коллективларидан гулчамбарлар ҳам шу ерга қўйилган.

Эрталаб соат 11. КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитонов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков, БССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. Е. Поляков, БССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Аксенов, Белоруссия Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари тобут олдида фахрий қоровулликда турадилар.

Мотам колоннасида қишлоқ меҳнаткашлари бор. Деҳқон фарзанди бўлган Тихон Яковлевичга деҳқонларнинг юмушлари яхши маълум эди. У галланинг чинакам қадр-қимматини биларди

... Фахрий қоровул ўзгаради. СССР Олий Совети ва Белоруссия ССР Олий Советининг депутатлари, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг, республика Олий Совети Президиумининг аъзолари, ҳарбий бошлиқлар Минск шаҳри ва областлар партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари, меҳнат коллективларининг вакиллари тобут ёнида мотам вахтасида турадилар. Республика меҳнаткашлари Тихон Яковлевич Киселев билан видолашмоқдалар.

Озиқ-овқат программаси—амалда

ЗАФАРЛАР КАЛИТИ

Озиқ-овқат программасининг амалга оширилишида совхозимиз меҳнаткашларининг ҳам улушлари борлиги билан ўзимизни бахтиёр деб биламиз.

Ўтган йил совхозимизнинг барча тармоқларини комплекс юксалтиришга катта муваффақиятларга эришилган йил бўлди. Буни қўйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Бундан уч йил олдин ҳаммаси бўлиб 4,5 минг тонна атрофида сабзавот маҳсулотлари етиштирилган бўлса, 1982 йилда тайёрланган ялпи маҳсулот салкам 11 минг тоннани ташкил этди. Шундан 10.315 тоннаси давлатга топширилди.

Ёки бошқа мисолни олайлик. Хўжалигимизда 40 бош қорамол бор эди. Ҳозир уларнинг умумий сони 500 бошга етказилди. Шундан 170 боши сигирлардир. Тўёқ сонини кўпайтириш билан бирга маҳсулдорликни кўтаришда ҳам қувонарли натижаларга эришилди. 1981 йилда тайёрлов ташкилотларига 200 тонна сут етказиб берилган эди. 1982 йилда бу рақам икки баравардан ҳам кўпроқ ошириб адо этилди.

Бундай муваффақиятнинг сири нимада, деган савол туғилади. СССРнинг Озиқ-овқат программасини тез ва муваффақиятли амалга ошириш хўжалигимизнинг ички имкониятларидан ҳар қачонгидан ҳам самаралироқ фойдаланишни тақозо этмоқда. Сабзавот экинлари майдонларидан олинаётган ҳосил, чорва молларидан олинаётган сут, гўшт билан чегараланиб қолишимиз мумкин эмас. Экинлар ҳосилдорлиги, чорва моллар маҳсулдорлигини кескин кўтармоғимиз керак. Чунки, халқимизнинг бундай маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи кун сайин ошиб борлиги. Бу эҳтиёжни иложи борича тўлароқ қондириш биз, сабзаводчилар, чорвадорларнинг шарафли бурчимиздир.

Ҳосилдорликни ошириш ҳақида гап борар экан, биринчи галда, тупроқ унумдорлигини кўтаришга жиддий аҳамият бермоғимиз керак. Ҳар гектар майдонга 25—30 тоннадан маҳаллий ўғитлар солиб борилганда кутилган натижага эришилади. Чунки ҳар йили ҳосил йиғим-теримидан кейин тупроқнинг унумдорлиги камайиб қолади. Унинг ўрни тўлдирилмаса ҳар қанча меҳнат сарфлангани билан ҳам кутилганча хирмон кўтариб бўлмайди. Шуни ҳисобга олиб, экин майдонларини органик ўғитлар билан ўғитлаш схемасини ишлаб чиқдик. Ҳар қандай шароитда ҳам йилига гектар ҳисобига 25—30 тоннадан органик ўғитлар солямиз.

Сабзавотчилик тармоғидаги ишларни тобора кўпроқ машиналаштиряпмиз. Масалан, картошка экишдан тортиб, ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ишларнинг ҳаммаси машина-механизмлар зиммасига ортилган. Лекин сабзавотчиликнинг айрим турларида ҳали ҳам қўл меҳнати ҳукмронлик қиляпти. Натижада маҳсулотлар таннархи қимматга тушяпти, сорти кутилганча кўтарилмаяпти.

Озиқ-овқат программасида жуда катта ва кенг ҳажмли вазифалар белгиланган. Уни тўла ва тезроқ амалга ошириш учун кадрларимизнинг назарий билими ва тажрибаларини муттасил ошириб боришимиз керак. Бригадалар ва бўлимларни маълумотли, ташкилотчи, техникани ишлаб чиқаришга дадил жорий қилиш қўлидан келадиган кадрлар билан мустаҳкамлашимиз лозим.

Хўш, бу борада бизнинг кадрларимиз қандай муваффақиятларга эришмоқдалар? Янгидиккка ихлосманд И. Иброҳимов, П. Эргашевлар бошлиқ бўлимлар, Ф. Мирисломов, Т. Абдурасулов, А. Мустафоев, М. Сарсенов, М. Мухторова бошлиқ бригадалар картошкадан рекорд ҳосил олмоқдалар. Биз уларнинг иш тажрибасини ҳамманинг мулкига айлантириш чораларини кўряпмиз. Шуниси ҳам характерлики, бу бўлимлар ва бригадаларда дала ишлари деярли ёппасига машина-механизмлар гарданига ортилган.

Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларнинг тўла ҳамда ортиғи билан бажарилишини таъминлаш одамларнинг меҳнати, техника, ўғитлар, сув ва бошқа ресурслардан нечоғли тадбиркорлик билан фойдаланилишига боғлиқдир.

Мисол учун карам етиштиришни олайлик. Эртаги карам февраль ойининг бошларида экиладиган бўлса, кўчатлар ундан анча олдин тайёрлаб қўйилади. Ер ўғитланиб текисланади, марза олинади. Бошқа агротехника тадбирлари ҳам амалга оширилади. Шундай қилинганда кўчат эрта ва қисқа фурсатда экилади. Парваришни кучайтириш йўли билан юқори ҳосил олинади. Бу ишлар вақтида қилиб қўйилмаса фурсатдан ютқазилади. Кеч экилган кўчатдан кутилганча юқори ҳосил олиб бўлмайди.

Биз юбилей йилида тайёрлов ташкилотларига 1500 тонна картошка етказиб бериб йиллик планни икки баравар қилиб бажардик. Сабзавот ҳосилдорлиги бир йилда 20 процент кўтарилди. Бу агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш самарасидир. Шуни ҳам айтиш керакки, давлатга барча турдаги маҳсулотлар топшириш планлари муддатидан илгари бажарилиб, бой тажриба тўпланди. Биз ундан келгусида янада ишнинг кўзини билиб фойдаланамиз.

Лекин ишимизда ҳали жиддий камчиликлар ҳам йўқ эмас. Сабзавот ва картошканинг ялпи миқдорини кўпайтирган бўлсак-да, ҳосилдорлик жиҳатидан ҳали рекордчи хўжаликлар даражасига кўтарилганимизча йўқ. Эндиликда сабзавот ҳосилдорлигини ҳар гектар ҳисобига 360—400 центнерга етказиш учун кураш бошладик. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сутни 4000—4500 килограммга етказиш чораларини кўряпмиз.

Бизнинг даҳлдор тащкилотлар адресига айтадиган гапларимиз бор. Сабзавот экинларининг барча турлари бўйича бир хилда муваффақиятли ишлатиладиган машина-механизмларга тўла эга эмасмиз. Йиғим-терим даврида яшиклар, транспорт воситалари етишмай қолади. Консерва заводлари юборган маҳсулотларимизни вақтида қабул қила олмайди. Исрофгарчиликлар юз беради.

КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган хулосаларга тўла амал қилиб, совхозимизда сабзавот, картошка, меваузум, чорва маҳсулотларининг барча турларини, айни кезда дон етиштиришни кўпайтириш учун бир гайратга ўн гайрат қўшиб меҳнат қилаверамиз, моддий бойликларни кўпайтираверамиз. 1983 йилда 12 минг тонна сабзавот, 2800 тонна картошка, 500 тонна сут, 550 тонна мева ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлаймиз.

Қ. ҚАЛАНДАРОВ,
Оржоникидзе районида ги «ВЛКСМ 60 йиллиги» совхозининг директори.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1983 йил 7 январдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 275 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топшири (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК МЕРИДИАНЛАРИДА

БИРИ-БИРИГА УСТОЗ

Ўзбек ва қирғиз халқлари азалдан аҳил ва иноқ яшайдилар. Улар ўртасидаги дўстлик илдизлари ҳам ана шундай қадимий. Фарғона водийсига қирқ қокилдек таралиб кетган Аравансой, Ғовасой, Қорадарё, Норин, Оқбура дарёлари Қирғизистондан бошланади. Андижондан Жалолобод, Чимёндан Шоҳимардон томон юрсангиз, бир қишлоқ ўзбеки, иккинчи овул қирғизники. Айрим жойларда битта йўлнинг ўнг томонидаги уйлар қирғизистонлик чўпонники бўлса, сўл томондагиси ўзбекистонлик пахтакорники!

Қирғиз билан ўзбекнинг дили ҳам, тақдири ҳам худди она ери каби туташ. Тили яқин, бири иккинчисини тушунади. Фарғона водийсида соф ўзбек тилида гапирадиган қирғиз ва соф қирғиз тилида сўзлайдиган ўзбекни жуда кўп учратиш мумкин. Ўзбекнинг тўй ва маъракасида қирғиз, қирғизнинг тўй-маъракасида ўзбек оғабошилик қилса, ҳеч ажабланадиган жойи йўқ. Қадим-қадимдан қирғиз сулуви ўзбек хонадонининг, ўзбек гўзали қирғиз хонадонининг ардоқли келини бўлиб келган. Демак, ўзбек ёр-ёрида қирғиз ўланининг, қирғиз ўланида ўзбек ёр-ёрининг оҳанги омухтадир.

Яна шу нарса характерлики, Ўзбекистон республикаси ташкил топганидан буён, Андижон области чорраси Қирғизистоннинг Олой ва Совет районлари яйловларида боқилади. Ҳар баҳорда қирғизлар андижонлик чорвадорларни қучоқ очиб кутиб оладилар, энг серўт яйловларни уларга ажратиб берадилар.

Андижон области пахтакорлари билан Ўш области пахтакорларининг мусобақаси ҳам дўстлигимиз кўзгуси бўлиб қолди. Партиямиз раҳбарлигида ана шу қутлуғ анъана эндиликда янада камол топди. Ўзбек ва қирғиз ишчилари алоқа боғладилар. Андижон ва Ўш шаҳарлари, бир қатор корхоналарнинг мусобақалари катта ютуқлар омили бўлмоқда.

Кампирравотда буюк дўстликка ҳайкал қўйилди. Ўзбек дўстларимиз Қирғизистон территориясида сунъий денгиз — Андижон сув омборини барпо этишди. Бу улкан иншоот икки республикага обиҳаёт беряпти.

Ўзбек ва қирғизларнинг маданий ҳаёти ҳам бир-бири билан узвий боғланган. Улар Улуғ Октябрь инқилобидан кейин оддий савод чиқаришдан тортиб, академикликка бўлган йўлни ёнма ён, елкама-елка туриб босиб ўтдилар, Тошкентда ўқиб камол топган кишилар орасида кейинчалик қирғиз адабиётининг таниқли намояндалари бўлиб қолган Аали Тўқомбоев, Қосимали Боялинов, Мамасоли Абдукаримов сингари шоир ва адиблар бор. Бу анъана ҳануз давом этиб келаётир. Ҳозир биргина Андижонлари олий ўқув юртларида юзлаб қирғизистонликларнинг, Ўш ва Фрунзе институтларида ўзбекистонликларнинг ўғил-қизлари ўқиётганликлари гоят қувонарлидир.

Дўстлик туйғуси халқларнинг қон-қонига сингиб кетган бизнинг давримизда бундай мисоллар юзаки қараганда жуда оддий, кундалик ҳаётга доир шунчаки гапдек туюлиши мумкин. Лекин унинг замирида асрларнинг рўёбга чиққан орзуси ётибди...



Кун сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстликнинг қудратини колхозимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Қишлоғимизда ўзбеклар қирғизлардан кейин кўпчиликни ташкил этади. Аниқроғи, 850 хўжаликнинг 40 проценти ўзбеклардир. Уларга бўлган эҳтиромимиз ўзгача. Колхозимизда 2 та ўрта, битта саккиз йиллик мактаб бўлиб, уларда ўзбек синфлари бор. Ўзбек синфларида қирғиз тили, қирғиз синфларида ўзбек тили ўргатилади. Ҳамқишлоқларим ўзбек тилида чиқадиган «Совет Ўзбекистони», «Коммунист» газеталари, «Муштум», «Саодат», «Гулистон», «Шарқ юлдузи» журналларини қизиқиб ўқийдилар.

Қишлоғимизда радиосиз, телевизорсиз хонадон йўқ. Ўзбекистондан бериладиган эшитиришлар, кўрсатувларни эҳтирос билан тинглаб, мароқ билан томоша қиламиз.

Районимиз кўпдан бери Андижон областидаги Избоскан райони билан, колхозимиз эса шу райондаги «Партия XX съезди» колхози билан мусобақалашиб келади. Бу хўжаликка Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусамад Тиллабоев раислик қилади. Биз Абдусамад отадан пахтачиликнинг нозик сирларини ўрганганмиз.

Мен ота билан кўп учрашиб, ҳамсуҳбат бўлганман. Биз ўзаро келишиб, бир хил пахта нави уруғини экамиз. Мусобақадошларимиз бизни уруғ билан таъминлаб турадилар. Ўтган йили бир хил марранй кўзлаб ишладик. Бир-биримиздан тез-тез хабар олиб турдик, ютуқларимиздан бирга қувондик, камчиликларимизга бирга қайғуриб, уни бартараф этиш учун ҳаракат қилдик. Мусобақадан мақсад — фақат кимнингдир ғолиб чиқишигина эмас, балки бу беллашув жараёнида яхши ишлаш ўрганиш, она-Ватанга мўл-кўл пахта етказиб беришни таъминлашдир. Шунинг учун ҳам мусобақамиз самарали бўлмоқда.

Колхозимиз бир вақтлар пахта етиштиришда Ўш областида энг юқори чўққига кўтарилган эди. Ўша йилларда Малик Акчабаев бошлиқ бригада ҳосилдорликни гектар бошига 50 центнерга кўтариб, рекорд қўйганди. Партия ва ҳукуматимиз пахта устаси Малик Акчабаевга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берганди. Акчабаев бригадаси ўтган йили 60 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан катта хирмон кўтарди.

Илғор бригада бошлиқлари Матхолиқ Амадалиев, Эшонқул Юсуповлар ҳам пахтадан бахт топди, пахта уларга обрў, «Олтин Юлдуз» берди. Пахта туфайли колхозимиздан 4 та Социалистик Меҳнат Қаҳрамони чиқди.

Хўжалигимиз ён қўшни — Пахтаобод районидаги «Гулистон» совхози, «Андижон» колхози билан ҳам дўстона алоқа боғлаган. Улар билан бир ариқдан сув ичамиз.

Ўтган йили 30 гектар ерда янги боғ яратдик. Мевали кўчатларни избосканлик мусобақадошларимиздан — «Партия XX съезди» колхозидан ажойиб дўстимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Усмонжон Мансуров директорлик қилаётган Мичурин номли кўчат етиштириш совхозидан олдик.

Ўтган йили Қирғизистондаги пахта етиштирадиган аксарият хўжаликлар, жумладан, бизнинг колхозимиз ҳам тамаки етиштиришга ихтисослаштирилди. Хўжалигимиз бўйича 1000 тоннадан зиёд пахта, 210 тонна тамаки топширилди.

Колхозимизда чорвачилик асосий тармоқ ҳисобланади. 20 минг бош қўйимиз, 2 минг бош қорамолимиз, 500 бош йилқимиз бор. 1982 йилда давлатга 450 тонна гўшт, 1260 тонна сут, 87 тонна жун топшириб, планларни ошириб бажардик. Ҳар юз бош қўйдан 100 тадан қўзи, ҳар юз бош сигирдан 91 бузоқ, ҳар юз бош йилқидан 95 тадан қулун олдик.

Колхозимиз чорвадорлари ҳам қишлоқ пухта тайёргарлиқ билан келдилар. 217 гектар майдонга силос учун, 165 гектар ерга дон учун маккажўхори экиш эдик. Унинг ҳар гектаридан 400 центнердан кўкпоя, 61 центнердан дон йиғиб олиб, 200 гектар беда зорнинг ҳар гектаридан 139 центнердан беда пичани олиб, ғарамлаб қўйдик. Яна 800 тонна турли озуқалар тайёрладик.

СССРнинг 60 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни ҳамма соҳалар бўйича муваффақиятли бажардик. Бу шоҳ юбилейга муносиб тўёнамиз бўлди.

Қўлга киритилган ютуқларда ота-онамиз ўзбеклар, хусусан избоскалик мусобақадошларимизнинг ҳам катта ҳиссаси бор, деб ҳисоблаймиз. Хўжаликларимиз ўртасида ўтказилган ўзаро борди-келдилар, бир-биримизга берилган дўстона ёрдам, бегараз ўргатиш, ўрганиш мусобақадошларимизга ҳам, бизга ҳам қўл келмоқда.

Улуғ оғамиз рус халқидан ҳамиша ибрат олиб, қирғиз ва ўзбек халқлари ўртасидаги абадий дўстлик ва ўзаро ёрдамни бундан кейин ҳам янада мустаҳкамлайверамиз.

Юсупжон МЎМБЕКОВ,
Қирғизистон ССР, Ўш область, Ленин районидаги Калинин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Қирғизистон ССР Олий Совети депутати.

Дала ишлари кўндалиги

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Республикамиз қишлоқ хўжалик ходимлари баҳорги дала ишларига тайёргарликни бутун чоралар билан кучайтирмоқдалар. Шўр ювиш, яхоб бериш, ер текислаш, техника ремонти авж олдирилмоқда. Зараркунандалар ва касалликларга қарши профилактик тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Органик ўғитлар жамғариш, минерал ўғитларни ташиб олиш борасида қилинаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Шу кунга қадар далаларга 9 миллион тоннадан ортиқ органик ўғитлар ташиб чиқарилди.

Лекин, ҳали кўп иш қилиниши зарур. Чорва комплекслари, фермалар, колхозчилар, совхоз ишчилари, хизматчиларнинг молхона, қўйхона, паррандахоналарида кўп миқдорда маҳаллий ўғитлар тўпланиб ётибди. Уни тезкорлик билан ташиб чиқариш, махсус ҳандақларда чиритиб, чигит экиш пайтида ерга солинадиган сифатли органик ўғитлар тайёрлаш муҳимдир. Ғўзаларни биринчи ва иккинчи озиқлантириш даврида солинадиган ўғитларни ҳам шу кунларда жамғариб олиш керак. Шу мақсадда хўжаликларда органик ўғитлар тўплаш бригадалари ташкил этиш, уларга ишчи кучлари, транспорт воситалари ажратиб бериш фаолияти устидан назорат ўрнатиш лозим. Токи, кунлик графиклар мунтазам бажарилсин, ҳавойиликка йўл қўйилмасин.

Колхоз ва совхозлар давлат йўли билан ажратилган 138 минг тонна азотли ўғитларни ташиб олди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 13 минг тонна кўп демакдир. Шунингдек, бултургидан 12 минг тонна зиёд ёки жами 106,5 минг тонна фосфор ўғитлари ҳам ташиб олинди. Эндиги вазифа барча турдаги минерал ўғитларни зах тортмайдиган, кор-ёмғир ўтмайдиган омборларда, устн ёпиқ бостирмаларда ғоятда эҳтиёткорлик билан сақлашдан иборатдир. Нобудгарчилик ва исрофгарчиликка қарши қаттиқ кураш олиб борилмоғи лозим. Шуни унутмаслик керакки, минерал ўғитлар нечоғли яхши сақланса, пахта ва бошқа экинлар ҳосилдорлигини оширишга шунча кўп ёрдамлашади.

Ғаллакорларимиз кузги буғдой ва арпа ўсимликларини самолётлар ёрдамида озиқлантиришни тобора кучайтирмоқдалар. Ҳозирга қадар 6000 гектар майдондаги ўсимлик озиқлантирилди. Шу мақсадда граждан авиацияси самолётидан фойдаланилмоқда. Бироқ, бу борада ҳали қутилган натижага эришилгани йўқ. Обҳаво қулай келаётганидан фойдаланиб, ғалла ўсимлигини қишки озиқлантиришни авж олдириш керак. Бунинг учун етарли имкониятлар бор. Хўжаликларнинг мутахассислари озиқлантиришни сифатли ўтказиш устидан назорат ўрнатмоқлари керак.

Кўп йиллик бегона ўтлар маданий ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши, демакким, ҳосилдорлигига ҳам катта зарар етказади. Бунга йўл қўймаслик учун бегона ўтларни илдизи билан бутунлай йўқотиш чоралари кўрилмоғи, химикатлардан оқилона фойдаланилмоғи даркор.

Пахтакорларимиз қиш фаслини иш фаслига айлантиришлари лозим. Бутун имкониятлардан тўла фойдаланиб, шўр ювиш, яхоб бериш кучайтирилмоғи, тупроқ қатламида ниҳоятда борича кўпроқ нам тўплашга эришилмоғи даркор.

Ремонт устахоналарида иш намунали ташкил этилиши, барча турдаги техника воситалари тезроқ сифатли ремонтдан чиқарилиши зарур. Бунинг учун ремонтчилар сони кўпайтирилиши, уларнинг унумли ишлашлари учун етарли шароит яратиб берилиши керак.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИДА ҚАТНАШУВЧИ ДАВЛАТЛАР МУДОФАА МИНИСТРЛАРИ КОМИТЕТИ МАЖЛИСИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1983 йил 11 январдан 13 январгача Чехословакия Социалистик Республикаси пойтахти — Прага шаҳрида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар мудофаа министрлари комитетининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис ишида Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатларнинг мудофаа министрлари, Бирлашган Қуролли Кучлар Бош қўмондони ва Бирлашган Қуролли Кучлар штабининг бошлиғи иштирок этдилар.

Мудофаа министрлари комитети Бирлашган Қуролли Кучларнинг амалий фаолияти масалаларини кўриб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилди. Мажлисда Чехословакия Социалистик Республикаси миллий мудофаа министри армия генерали Мартин Дзур раислик қилди. Мажлис ишчанлик вазиятида, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

КАТТА БУЮРТМА

● БЕРЛИН. «Карл Цейс Иена» оптика-механика комбинатининг мутахассислари кўзгусининг диаметри бир метр келадиган улкан телескопни йиғишни тугалламоқдалар. Вазни 15 тонна келадиган бу мураккаб прибор Совет Иттифоқидаги обсерваториялардан бирида ўрнатилади.

Ана шундай катта экспорт қилинадиган буюртмаларни бажериш — республика аниқ машинасозлиги байрақдорининг ишлаб чиқариш фаолиятидаги энг муҳим вазифалардан биридир. «Карл Цейс Иена» фабрикасининг маркеси қўйилган маҳсулот кўпгина мамлакатларда бир неча ўн йилдан буён муносиб шуҳратга сазовор бўлмоқда. Корхонада тайёрланган оптик приборлар турли обсерваториялар ва планетарийларда, космик парвозларни кузатиш станцияларида муваффақиятли равишда ишлатилмоқда.

Кўп зонали МКФ-6 фотокамерасининг яратилганлиги машҳур комбинат тарихида айниқса фахрли буюртма бўлди. Бу фотокамера «Интеркосмос» халқаро программаси доирасида космик фазони тадқиқ қилган чоғда қўлланилади.

ЯНГИ ТИПДАГИ ШАТАКЧИ АВТОМОБИЛЬ

● ПРАГА. Чехословакиянинг Яблонец шаҳридаги «Лиаз» автомобиль корхонаси шаҳарлараро олис манзилларга юк ташийдиган автопоездларни бошқариш учун мўлжалланган янги типдаги шатакчи автомобилларни кўплаб ишлаб чиқаришга киришди.

Бу машиналар янги, анча кучли двигатель, самарали тормоз ва рессор системалари билан таъминланган. Бу машиналар умумий вазни 38 тонна келадиган прицепларни соатига 100 километр тезликда манзилга етказиши мумкин.

«Лиаз» автомобиллари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида яхши маълум. Бу автомобиллар СССРда ҳам гоят машҳур бўлмоқда. Чехословакия автомобилсозлари кейинги ўн беш йил мобайнида Совет Иттифоқига 25 рефрижератор прицеплар билан таъминланган 25 мингтадан кўп юк ташийдиган шатакчи автомобиллар етказиб бердилар. Шу беш йилликда «Лиаз» корхонаси совет буюртмалари асосида яна 8 мингта юк автомобили тайёрлайди. Бу автомобилларнинг асосий қисмини янги шатакчи автомобиллар ташкил этади.

(ТАСС).

РЕАЛИСТИК ТИНЧЛИК ПРОГРАММАСИ

Чет эл оммавий ахборот воситаларининг шарҳларида таъкидланаётганидек социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг янги амалий ташаббуслари инсониятга ялпи тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашнинг реал йўлини очиб бермоқда. Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар Сиёсий маслаҳат комитети Прага кенгашининг Сиёсий декларациясида таърифлаб берилган тинчлик таклифлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг ўртоқ Ю. В. Андропов бошчилигидаги совет делегацияси фаолиятини тўла-тўкис маъқуллаш тўғрисидаги қарори тинчлик тақдири ҳақидаги юксак масъулият ва гамхўрлик руҳини, ядро уруши хавфининг олдини олиш, кескинликни юмшатишни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш, Европа қитъасида ва бутун дунёда хавфсизлик ҳамда ҳамкорликни кучайтириш хусусидаги қатъиятни акс эттиради.

Шу билан бирга матбуот АҚШ ва НАТОдаги бошқа баъзи мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари орасида ҳали «социалистик мамлакатларнинг таклифлари хусусидаги фикрларда катта тафовутлар» мавжудлигини уқтирмоқда.

Канада бош министри П. Трюдо Сиёсий декларацияда баён этилган таклифларга ижобий баҳо берди ва НАТО мамлакатларини шу таклифларни муҳокама қилишга чақирди. Канада ҳукуматининг бошлиғи Малайзиянинг Куала Лумпур шаҳрида сўзлаган нутқида бундай деди: «НАТО мамлакатлари ва айниқса АҚШ бу таклифларни дарров рад этиб юбормасликлари керак. Келинглар, бир жойга тўпланиб музокара ўтказайлик ва бу таклифларни муҳокама қилайлик». Канада бош министри Совет Иттифоқининг Европада ўртача олисликка учириладиган ракеталарни жойлаштириш тўғрисидаги позициясини ҳамда Варшава Шартномасидаги давлатлар билан НАТО мамлакатлари ядро қуролини ҳам, оддий қуролларни ҳам биринчи бўлиб ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммаларига олсинлар, деган таклифни алоҳида уқтириб ўтди. У Совет Иттифоқининг Европада ўртача олисликка учириладиган ўз ракеталари миқдорини Англия билан Франция ихтиёридаги мана шундай ракеталар миқдорига камайтиришга тайёрлиги хусусида мамнуният изҳор этди.

Италия ташқи ишлар министри Э. Коломбо радио орқали сўзлаган нутқида бундай деди: «Ҳозир биз совет таклифларининг маъноси ва аҳамиятини жуда синчиклаб таҳлил этишимиз керак. Биз бу ишни биргаликда қилишимиз лозим. Бу — айрим давлатларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Биз умумий бир жавоб қайтара олишимиз учун НАТОга аъзо бўлган барча мамлакатлар синчиклаб таҳлил этишлари керак».

ГФРда Сиёсий декларацияда баён этилган янги таклифлар хусусида қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Бу — тасодифий ҳол эмас. Француз телевидениесининг Бонндаги мухбири уқтириб айтганидек, «ҳозирги вақтда Ғарбий Германия раҳбарлари аслида бамисоли икки ўт ичида қолдилар».

ГФР мудофаа министри М. Вернер Килда сўзлаган нутқида ГФР қуролсизланиш соҳасидаги совет таклифларини «жуда синчиклаб» ўрганиб чиқишга тайёр, деб айтди. Аммо у шу заҳотиёқ чайналиб, гўё Англия билан Франциянинг ядро қуролини совет ракеталари билан таққослаб бўлмайди, деб даъво қилди.

Германия социал-демократик партиясининг таниқли арбоби, шу партия правленеси президиумининг аъзоси Э. Эплер башарти АҚШ «Першинг-1» ракеталари билан қанотли ракеталарни Ғарбий Европада жойлаштиришдан воз кечса, Совет Иттифоқи Европадаги ўртача олисликка учириладиган ўзининг ракета-ядро потенциалини Буюк Британия билан Франциянинг қуроллароглари даражасигача қисқартиришга тайёрлигини табриклади. «СССРнинг бу таклифи гоят ижобий таклифдир», — деди у. (ТАСС).

СОВЕТ МАДАНИЯТИ ҲАФТАЛИГИ

РАБОТ, 12 январь. (ТАСС). Марокашнинг Марракеш шаҳрида ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига совет маданияти ҳафталиги бошланди.

Марракеш муниципал кенгашининг раиси Муҳаммад Халифа ҳафталикни очиш маросимида гапириб, СССРнинг ташкил этилганлиги бутун тараққиётпарвар инсоният учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У тинчликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш ва қуролсизланиш учун, ядровий уруш чиқиш хавфининг олдини олиш учун актив курашаётган Совет Иттифоқининг халқаро майдонда тутган позицияларига юксак баҳо берди.

Марракеш аҳолиси «СССР — 60 ёшда» деган мавзудаги фотокўргазмалар билан танишмоқда. Виставкалар стендларида Совет Ўзбекистони ва унинг Марракеш билан биродарлашган пойтахти — Тошкент тўғрисида ҳикоя қилувчи кенг форматли ранг-баранг фотосуратлар қўйилган. Шаҳар кинотеатрларида совет бадиий ва ҳужжатли кинофильмлари намойиш этилмоқда.

Лаос пойтахтининг Ану кўчасидаги кинотеатрда мамлакат тарихида биринчи марта тўла метражли «Кўзалар водийсидаги отишма» бадиий фильми намойиш қилинмоқда. Фильмга вьетнамлик ёзувчи Ван Линнинг Лаос халқининг мустамлакачиларга қарши озодлик учун қаҳрамонона курашига бағишланган «Иккинчи батальон» романи асос қилиб олинган. Кинематография — Лаосда санъатнинг энг ёш турларидан. Кино санъатини тиклашда ва миллий кадрлар тайёрлашда лаосликларга Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда. Суратда: Ану кўчасидаги кинотеатр.

А. Чумичев фотоси. (ТАСС).

ЖИДДИЙ ХАВФ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Радиоактив моддалар жойланган контейнерлар ортилган «ДС-8» транспорт самолёти Мичиган штатининг Детройт шаҳри аэродромидан парвоз қилиш пайтида фалокатга учради. Экипаж ҳалок бўлди. ЮПИ агентлигининг федерал авиация бош қармаси вакили гапига асосланиб хабар қилишича, самолёт қулаб тушган пайтда содир бўлган портлаш натижасида контейнерлар бузилиб кетган ва теварак-атрофнинг радиоактив моддалар билан жиддий зарарланиш хавфи остида қолганлигидан дарак беради. Федерал авиация бошқармасининг баёноти ҳам шуни тасдиқлайди, бу бошқарма вакили: «Биз барча пассажирлар ва ходимлар аэропорт районидан шошилинч равишда чиқиб кетишни қаттиқ талаб қиламиз», деб таъкидлади.

Мазкур рейсга алоқадор бўлган расмий шахслар саросимага тушиб қолганликлари ва фалокат оқибатларини тугатишга ноқдор муассасалар қатнашаётганлиги самолёт ичида, маъмурларнинг вакиллари зўр бериб даъво қилаётганидек, бесозор медицина максадлари учун мутлақо мўлжалланмаган радиоактив моддалар бўлиши мумкин, деган фикрга олиб бормоқда.

КЎКЛАМ ЭШИК ҚОҚМОҚДА

ПУХТА ЗАМИН

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган колхозимиз меҳнаткашлари пахтачиликка фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибани жорий этиб, йил сайин қувончли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Айниқса, қишлоқ меҳнаткашлари учун гоят оғир келган 1982 йилги мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам мардлик ва жасорат кўрсатиб ишлаб, габиат қийинчиликларини енгдик. 1260 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,2 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди.

Қўлга киритилган ютуқларга Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Жамила Каримова, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдусаттор Халилов, Жўрабой Шарипов, Жонибек Умаралиев каби жонкуяр деҳқонлар раҳбар бўлган бригадаларнинг аъзолари катта улуш қўшишди.

Халқимизда: иш бошидан пухта бўлса, машаққати кам бўлади, деган ҳикмат бор. Ана шунга амал қилиб, ҳосилдан бўшаган пайкалларни чуқур қилиб, икки ярусли плуглар билан ҳайдаб қўйдик. Тупроқ картограммаси асосида шудгорлашдан олдин ҳар гектар майдонга 200 килограммдан минерал ва 7 тоннадан маҳаллий ўғит солинди.

Колхоз правленеси ва партия ташкилоти кузги-қишки ишларнинг намунали ўтказилиши учун алоҳида тадбир белгиланган. Бош агроном Б. Мусаев бошлиқ сифат комиссияси ҳар бир ишнинг пухта бажарилишини мунтазам назорат қилиб боряпти.

Турсунбой Мирзамуродов етакчилигидаги махсус звенога уюшган ўн кишидан ортиқ комсомол-ёшлар колхоз чорвачилик фермаси, паррандахона ва хонадонлардан пешма-пеш маҳаллий ўғит жамғаришга киришдилар. Шу йилнинг ўзидаёқ ҳосилдорлиги паст, унумсиз ҳисобланган 300 гектар майдоннинг ҳар гектарини 15 тоннагача маҳаллий ўғит билан «тўйдирамиз».

Мақсадимиз 1983 йилда ҳар гектар ердан 45 центнердан юқори сифатли пахта етиштиришдир.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Наманган районидаги «Коммунизм» колхози бош инженери.

САНЪАТ ОЛАМИДА

АРМУҒОН

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри коллективи томошабинларга янги асар армуғон этди. Таниқли совет шоири ва драматурги А. Сафроновнинг қаламига мансуб бу драма «Юрак операцияси» деб аталади. Асарни ўзбек тилига А. Абдуллаев таржима қилган. Театрнинг бош режиссёри, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Баҳодир Йўлдошев саҳналаштирган бу асар томошабинларнинг қизғин олқишига сазовор бўлди. Театр коллективи репертуарни бойитиш йўлида тиммай изланиб, самарали ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу борада эришилган муваффақиятларнинг навбатдагиси таниқли румин адиби Д. Соломоннинг «Рўё» спектаклининг саҳналаштирилиши билан изоҳланади. Асар санъат мухлисларида зўр қизиқиш уйғотмоқда, уни шоир Машраб Бобоев таржима қилган.

«ҚИЁФАЛАР ЁКИ ЗАНЖИР»

Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри репертуари янгидан янги асарлар билан бойиб бормоқда. Яқинда театр репертуаридан жой олган асар «Қиёфалар ёки занжир» деб номланади. У таниқли озарбайжон адиби ва драматурги Анорнинг қаламига мансуб. Маълумки, Анорнинг қатор ҳикоялари, «Оқ қўрфаз» қиссаси ўзбек тилида чоп этилган. Унинг асарлари китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. Драматургнинг «Қиёфалар ёки занжир» драмаси мухим мавзуда яратилганлиги, чигал инсоний муносабатлар мураккаб йўсинда очиб берилганлиги билан диққатга сазовордир.

Ёш режиссёр Н. Саидхонов саҳналаштирган музикали драмадаги асосий ролларни М. Ихтиёрова, С. Пўлатов, Қ. Ҳамидов сингари театрнинг етакчи санъаткорлари ижро этган.

ЯНА ИККИ АСАР

Ўзбек давлат «Ёш гвардия» театри саҳнасида яна иккита янги асар намойиш этилди. Улкан совет адиби А. Фадеевнинг «Ёш гвардия» романи асосида режиссёр Н. Абдураҳмонов саҳналаштирган шу номли драма ҳамда М. Горсоломиевнинг «Гуноҳкор авлиё» драмалари барчада катта қизиқиш уйғотди... Краснодон ўлкасида Улуғ Ватан уруши йиллари ўлмас жасорат кўрсатган ёш гвардиячилар фаолияти саҳнада таъсирчан ва жонли талқин этилган.

Яқинда театрда татар адиби Д. Валиевнинг «Муқаддима» драмаси премьераси ҳам бўлиб ўтди. Бу ажойиб асарда улуғ доҳиймиз В. И. Ленининг сермазмун ва қурашчан ёшлиги ҳақида ҳикоя қилинади.

И. ОЧИЛОВ.

МОСКВАДАН ХАТ

НОЕБ ДАСТХАТЛАР

Москвадаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган улкан совет адиби А. Фадеев кутубхонасида ноёб дастхатлар битилган бебаҳо китоблар оз эмас. Ана шу китобларнинг аксарияти ўзбек совет адиблари томонидан тақдим этилган.

«Азиз дўстим, улкан адиб Александр Александрович Фадеевга!

Чуқур муҳаббат ва эҳтиром ила

Ойбек».

Таниқли ўзбек совет адиби Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек А. А. Фадеевга тақдим этган «Қутлуғ қон» романига ана шундай дастхат битган эди.

«Ҳурматли адиб Александр Александрович Фадеевга! Таржимонман!

Миртемир. 10. XII. 54 йил.»

Миртемир улуғ рус шоири Н. А. Некрасовнинг «Россияда ким яхши яшайди» асарини таржима қилган ва китоб 1953 йилда чоп этилган эди. Шоир ана шу китобга дастхат ёзиб, дўсти Фадеевга тақдим этади. Бундай ноёб дастхатлар битилган Ғафур Ғулом-нинг, Абдулла Қаҳҳорнинг асарлари ҳам Давлат адабиёт музейидан жой олган. Бу — кўпмиллатли совет адабиёти намояндаларининг дўстлиги, қардошлигини кўз-кўз этувчи ёрқин бир мисолдир.

Ю. ИВАНОВ,
Давлат адабиёт музейининг катта илмий ходими.

„ТОҒ СТАДИОНИ“ДА

(Боши биринчи бетда).

СССР Давлат Гимни ва Ўзбекистон ССР Давлат Гимни садолари остида мавсумнинг бош турнири — СССРнинг тоғ чанғи спорти кубогини олиш учун ўтказиладиган мусобақа байроғи кўтарилди.

СССР кубогининг энг муҳим — бешинчи ва олтинчи босқичларида энг кучли спортчиларни Чимган аниқлаб бериши керак. Шу тариқа Ўрта Осиёнинг биринчи қишки стадиони — Урал, Кавказ, Закарпатье, Қозоғистоннинг машҳур базалари билан бир қаторга ўтди. Тоғ чанғичилари учун бунинг алоҳида аҳамияти бор. Кубокнинг босқичма-босқич ўтказилишидан кузатилган мақсад ҳам турли табиий шароитларда қурилган трассаларда юксак натижа кўрсата оладиган энг моҳир, бақувват, ҳар томонлама аблашдан иборат.

Бу сафар Чимган улар учун яна бир имтиҳон маскани бўлди. Бу ерда кўрсатилган натижалар ҳамма босқичлардаги кўрсаткичлар жумласига киритилади. Бу ернинг ўзига хос шароитларида ўз кучини синаб кўриш имконияти эса совет жир спортчиларни аниқчанғичиларининг халқаро турнирларда муваффақиятли қатнашишлари учун янги шарт-шароитлар яратиб беради. Халқаро турнирлар ҳам кўпгина тоғ стадионларида, дунёнинг ҳар хил районларида изчил равишда ўтказиб келинмоқда.

СССР кубогини олиш учун ҳозир ўтказилаётган мусобақа Чимгандаги биринчи халқаро мусобақанинг ўзига хос дебочаси бўлади — февраль ойида бу ерда социалистик мамлакатларнинг ёш спортчилари иштирокида «Дўстлик» турнири ўтказилади.

Мусобақа бошланишидан дарак берувчи сигналлар янграйди.

... Чимган турнирининг дастлабки қатнашчилари баландликда, старт чизиғида элас-элас кўзга ташланади. Булар — аёл чанғичилар эди. Шу куни улар 810 метр узунликдаги, уч юз метрли тепаликлардан ўтиладиган трассада гигант-слаломда мусобақалашдилар. Байроқча силкитилиши биланоқ спортчи олдинга ташланиб, қор учқунларини сачратиб, контроль таёқлар оралаб пастга юғура бошлади. Ниҳоят финишдаги электрон секундомерлар вақтни кўрсатди — ғолиб спортчилар 45 дарвозали шу трассани бир минутдан сал кўпроқ вақт ичида босиб ўтдилар. Иккинчи уринишда дарвозалар 48 тага етказилади.

Ўзбекистоннинг ёш спортчилари шу қадар масъулиятли мусобақада мамлакатнинг машҳур тоғ чанғичилари билан биринчи бор қатнашганликлари қувончлидир.

Кейинги кунларда аёл спортчилар махсус слалом трассасидай ҳам ўтадилар— бу трасса бир оз қисқароқ — 550 метр бўлса ҳам, аммо бу ерда ўтилиши лозим бўлган дарвозалар кўпроқ — 60 та. Эркаклар ҳам иккала трассадан ўтишлари лозим. СССР кубогини олиш учун ўтказилаётган мусобақанинг бешинчи босқичи учун ҳисобланадиган мусобақалар 16 январда тугайди. Орадан бир ҳафта ўтгач, — 20 январдан 23 январгача программа такрорланади — олтинчи босқич мусобақалари бошланади.

Шу кун Чимганга келган кишиларнинг кўплари фақат томошабин бўлиб қолмадилар, улар прокат базасидан ижарага чанғи олиб қишки спортнинг ҳаваскор ишқибозлари учун тайёрланган йўлкаларда сайр қилдилар. Шу кун сиҳат-саломатлик ва бардамликнинг беқиёс манбаига ошна бўла бошлаган воқеа сифатида уларнинг эсидан чиқмайди.

Т. ГОЛУБКИНА,
Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.



Суратларда: 1. Мусобақанинг тантанали очилиши. Байроқларни Ўзбекистон терма командасининг капитани спорт мастери Анорқул Ғойибов ва Марказий армия спорт клуби терма командасининг капитани спорт мастери Олег Крисановлар кўтармоқдалар. 2. Халқаро классдаги СССР спорт мастери, мамлакатнинг бир неча бор чемпиони Наталья Перчатникнани [чапда] ўзбек диёрида ғоятда хушнудлик билан кутиб олдилар. 3. «Чимган» спорт комплексининг умумий кўриниши.

Р. Нуриддинов ва Р. Шагаев фотолари. (ЎзТАГ).

ДИЛ СЎЗЛАРИ

ҚУЛАЙ ШАРОИТ

А. КОРЧАГИН,
«Меҳнат резервлари» марказий советининг катта тренери

— Чимган тоғлари... Бу ернинг об-ҳавоси ҳақида кўп яхши гапларни эшитардим. Лекин Чимган бағрига биринчи бор келишимга қарамай, таассуротларим яна ҳам бойиди. Биз «Меҳнат резервлари» чанғичилари СССР кубоги учун курашнинг дастлабки босқичларида муваффақиятли куч синашга ҳаракат қилдик. Жумладан 4-турда 138 очко тўплаб «Спартак», «Динамо» командаларидан ўзиб биринчиликни қўлга киритдик. Умуман Пермь областининг Губаха шаҳарчасида ўтказилган биринчи тур ўйинларида, шу областнинг Часавой шаҳарчасида ўтказилган иккинчи тур ўйинларида, Бошқирдистоннинг Белорецк шаҳарчасида, Челябинск областининг Миньяр қишлоғида давом этган навбатдаги тур ўйинларида ҳам мухлислар эътиборини қозондик. Биз Чимганга 7 қиз, 7 йигит билан келганмиз. Ўйлайманки, биз чанғичилар бу ердаги мусобақаларда юксак натижалар кўрсатиб мавқеимизни янада мустаҳкамлаб оламиз. Чунки, Чимганда бошқа ердагига қараганда қулай шароит яратилган экан.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Н. ПРУДНИКОВА,
Ўзбекистон ССР терма командасининг катта тренери

Чимган бағри кенг деганча бор. Бу ерга мамлакатимизнинг турли бурчакларидан энг кучли чанғичиларнинг ташриф буюриши қувончимизга қувонч қўшди. Бу республикамизда эндигина ривожланиб келаётган тоғ чанғи спортини оммавийлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Биз тоғ чанғичиларимизга маҳоратли спортчилардан ўрганишни даъват этамиз. Командамизда умидли ёшлар кўп. Жумладан, республика терма командасининг аъзоси, спортнинг мазкур тури бўйича Ўзбекистонинг биринчи спорт мастери чимганлик Анорқул Ғойибовнинг маҳоратли ошиб бораётир. Спорт мастерларидан «Меҳнат» жамиятининг аъзолари Виталий Прудников билан Эдуард Затураевлар ҳам мусобақага шай бўлиб туришибди. Спорт мастерлигига номзод Виктор Цибулин, биринчи разрядли спортчилар Дима Чабан, Радик Стенин, Дима Скрябин, Ярослава Плотонова ҳамда Ирина Тронлар маҳоратларини оширишга аҳд қилганлар. Ўйлаймизки, Чимгандаги катта мусобақа ёшларимиз учун маҳорат мактаби бўлиб қолади.

Қишлоқда юксак турмуш маданияти учун

МЕҲНАТКАШЛАР ЭЪЗОЗДА

● ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН ҲАР ЙИЛИ ЎН БЕШ МИЛЛИОН СЎМ АТРОФИДА ДАРОМАД ОЛИНМОҚДА.

● СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШГА ЙИЛ САЙИН БИР МИЛЛИОН СЎМДАН ОРТИҚ МАБЛАҒ САРФЛАНЯПТИ.

● КОЛХОЗ ҚИШЛОҒИДА МАДАНИЙ-МАИШИЙ, МЕДИЦИНА, САВДО МУАССАСАЛАРИ, СПОРТ ИНШООТЛАРИНИНГ КЕНГ ТАРМОҒИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИЛГАН.

● ҲУЖАЛИКДАГИ ШИФОХОНАДА АЛЛЕРГОЛОГИЯ БЎЛИМИ ИШГА ТУШИРИЛДИ.



«Политотдел» колхози. Коммунистик районидаги бу гигант, бой-бадавлат хўжалик аъзоларининг меҳнатсеварлиги, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш соҳасида эришаётган муваффақиятлари билан фақат республикамиздагина эмас, балки бутун мамлакатда машҳур. Колхоз далалари ҳосилдор, чорва моллар маҳсулдор. Бу ерда пахта ва бошқа экинлардан муттасил юқори ҳосил олинмоқда. Об-ҳаво шароити ноқулай келган ўтган йили 1870 гектар майдондаги пахта, катта майдонга экилган каноп ҳосили кутилганидан ҳам зиёд бўлди. Гектаридан пландаги 36,4 ўрнига 42,7 центнердан аъло сифатли «оқ олтин» олинди. Давлатга қўшимча равишда 1169 тонна пахта, 25750 ўрнига 29498 тонна каноп пояси ва кўп миқдорда бошқа деҳқончилик маҳсулотлари сотилди.

Хўжалик чорвадорларининг КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини амалга ошириш, СССРнинг Озиқ-овқат программасини рўёбга чиқариш мақсадида қилаётган фидокорона меҳнатлари қувончли натижа бермоқда. Улар маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, тармоқнинг самарадорлигини ошириш учун курашда деҳқонларга тенглашишга интилляптилар. Утган йили 870 бош сигирнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 4814 килограммдан сут олинди. Белгиланганидан анча кўп гўшт, сут, тухум етиштирилди.

Колхоз аъзоларининг далаларда, чорвачилик фермаларида тер тўкиб қилаётган унумли меҳнати туфайли олинаётган катта даромад хўжаликнинг хазинасини бойитмоқда. Унинг экономикасини мустаҳкамлаш, деҳқонлар ва чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини беряпти. Утган йили ишлаб чиқаришдан ўн беш миллион сўмга яқин даромад қилинди. Колхозчиларнинг ўртача ойлик ҳақи 240 сўмга тўғри келди.

«Политотдел» колхози социал ривожланиш йўлидан ҳам дадил бораётган, қишлоқда маданиятни юқори поғонага кўтариш соҳасида ҳаракат қилаётган ҳўжалик. Унинг асфальтланган кенг ва равон кўчаларидан юрган кишининг ҳаваси келади, киройи қишлоқ шундай бўлса дейди. Колхозчиларнинг бири-биридан гўзал уйлари, мактаблар, болалар боғчаяслилари, маданий-маиший, медицина, савдо муассасаларининг ҳашаматли бинолари, спорт иншоотлари, табиий газ ва водопровод тармоқлари, кўчаларнинг орасталиги, хиёбонларнинг сўлимлиги — хулласи, турмуш тарзининг мукаммаллиги шаҳарлардагига қиёс қилгудек. Қишлоқ жуда баркамол ва бағри кенг. Унда 2800 оила, 17 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Улардан беш мингга яқини колхоз ишлаб чиқаришида актив иштирок этмоқда.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти далаларда, чорвачилик фермаларида астойдил меҳнат қилаётганлар олдида қарздор бўлиб қолаётгани йўқ.

— Колхозчилар турмушининг маданий-маиший даражасини ошириш, уларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, медицина, савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, ёшлар физкультура ва спорт билан шуғулланишлари учун қулай имконият яратиш, — дейди колхоз правлениесининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Олий Советининг депутати Тимофей Григорьевич Хван,—бизнинг энг муҳим вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Колхозчи тоби қочганда район ёки область марказидаги даволаш муассасасига қатнаб овора бўлмаслиги, дори-дармонни қишлоқдаги дорихонадан олиши, кийимни ўзи истиқомат қилаётган жойда тиктириши, телевизори ва радиоприёмникини шу ерда ремонт қилдириши, спорт билан уйи яқинидаги стадионда ёки спорт залида шуғулланиши, боласи колхоздаги мактаб ва боғчага қатнаши — хуллас унинг ҳамма талаб ҳамда эҳтиёжи ўзи яшаётган ва ишлаётган жойда қондирилиши зарур. Биз шунга ҳаракат қиляпмиз ва эришяпмиз.

Раис ўз фикрини тасдиқлайдиган мисоллар келтирди. Ҳозир колхоз қишлоғида олтита ўрта умумтаълим ва битта музика мактаби, ўн учта болалар боғча-яслиси мавжуд. Уларда колхозчилар ва қишлоқ аҳли бошқа табақаси вакилларининг 5900 дан ортиқ фарзанди таълим олмоқда ҳамда тарбияланмоқда. Маданият саройи, учта кинотеатр, икки клуб, олтита кутубхона, маиший хизмат кўрсатадиган устахоналар, тўртта ҳаммом, йирик универмаг ва бир неча магазин, учта кафетерий, бешта чойхона, спорт комплекси ишлаб турипти. Фақат кейинги уч йилда социал ривожланиш мақсадларига икки миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шу ҳисобдан колхозчилар учун 36 та уй, бир қатор маданий-маиший объектлар қурилди, ободончилик ишлари амалга оширилди. 1985 йилгача колхоз аъзолари учун 130 та уй, икки клуб, икки ҳаммом, дала шийпонлари, маиший хизмат комбинати қуриш ва бошқа социал тадбирларни амалга ошириш назарда тутилянти.

Хўжалик аъзоларининг саломатлигини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Колхоз қишлоғининг марказида йирик поликлиникаси ҳам бўлган стационар типидаги касалхона ишлаб турипти. Бундан ташқари, етти жойда фельдшерлик-акушерлик пунктлари, ҳамма дала шийпоиларида саломатлик бурчаклари, чорвачилик фермасида медицина пости ташкил этилган.

Пахтакорлар, лубкорлар ўзгача шароитда меҳнат қилишади. Ёзда гўза зараркунандалари ва касалликларига қарши, кузда гўзанинг баргини тўкиш мақсадида далаларга химиявий моддалар сепилади. Лубкорлар каноп гуллаганда доим далада бўлишади. Гўзага сепиладиган химиявий моддалар ва канопнинг гулидан чиқадиган заррачалар аллергия касаллигини кўзгатиши мумкин.

Буни эътиборга олиб, 250 минг сўм сарфланиб, касалхона қайта реконструкция қилинди. Унда илгари терапия, қулоқ-томоқ-бурун касалликлари бўлимлари мавжуд эди. Энди улар қаторига янгидан ташкил қилинган 60 ўринли аллергология бўлими ҳам қўшилди. Гап шундаки, ҳозиргача шаҳарларда аллергия касаллигини даволаш муассасалари ташкил этилган бўлсада, бу касалликка чалинганлар қишлоқнинг ўзида даволаниш имкониятига эга эмасдилар. Эндиликда «Политотдел» колхозида ана шундай имконият яратилди.

Бўлимда аллергия касаллиги билан оғриган беморларни даволаш ва касалликнинг олдини олиш мақсадига хизмат қиладиган махсус ва функционал диагностика, аэрозолтерапия кабинетлари мавжуд бўлиб, уларга энг мукаммал медицина асбоб-ускуналари ўрнатилган.

Бўлим мудири, медицина фанлари кандидати Ким Тамаранинг айтишича, асосий вазифа—аллергия касаллиги билан оғриган беморларга малакали ва махсус медицина-профилактика ёрдами кўрсатишдан иборат.

— Касалхона ва поликлиникада, — деди унинг бош врачи Пак Виктор, — беморларга 13 врач ва 42 та ўрта медицина ходими малакали тиббий ёрдам кўрсатмоқда. Шу нарса характерлики, уларнинг ҳаммаси колхоз қишлоғининг одамлари бўлиб, ўкинса шу ердан кетишган ва уни тамомлагач, колхозга қайтиб келиб ишлашмоқда. Келгусида касалхонанинг аллергология бўлими кенгайтирилиб, ундаги ўринлар сони юзтага етказилади. Касалхона ва поликлиниканинг иши янада яхшиланади. Уни қишлоқдаги энг намунали даволаш муассасасига айлантириш ниятимиз бор.

Колхоз аъзолари ўзларининг саломатликларини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилинаётгани, медицина ёрдами кўрсатишнинг кўлами кенгайтирилаётганидан мамнун бўлмоқдалар.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Суратларда: 1. Касалхона биноси. 2. Шифохона ходимларидан бир группаси (чапдан ўнгга): терапевт З. Лю, ЛОР бўлими мудири С. Сайдалиев, аллергология бўлими мудири Т. Ким, лаборантка Л. Пак ва педиатор Ж. Юн.

А. Тўраев фотолари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Созандалар. 10.20 — Отларни кечувда алмаштирмайдилар. Бадиий фильм. 2-серия. 11.25 — Қалбга яқин қўшиқлар. 12.15 ва 15.00 —Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Концерт. 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.20 — Буратино саргузашти. 1-серия. 18.45 — Ешлар адреслари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Тақдиримни такрорла. Ҳужжатли фильм. 19.55 —Лесная кўчасидаги уй. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Чет эл эстрадаси куйлари ва оҳанглари. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Ҳужжатли фильм. 23.20 — Хоккей. СССР чемпионати. «Крилья Советов» — МАСК.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 — География. 10.05 ва 14.10 — Инглиз тили. 11.05 —Илмий-оммабоп фильм. 11.35 ва 12.40 — В. Г. Короленко. Ер ости болалари. 12.05 — Астрономия. 13.10 — Тарих. 13.40 — Музика. 14.40 — Тикланиш даври санъати. 15.20 — Улуғ Ватан уруши. Киноэпопея. 15-фильм. 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.20 — Яхши қўшиқлари. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Афсунгарлар. Бадиий фильм. 1 ва 2-серилар.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Қўғирчоқ фильм. 11.50 — Қўшиғим, жон қўшиғим. 12.30 — Биология. 18.10 — Мультфильм. 18.30 — Ешлик. 19.00 — Интизом—виждон амри. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Манзарали фильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Жиззах область қишлоқ хўжалик ходимларига бағишланган кўрсатув. 21.30 — Время. 22.05 — Жиззах область қишлоқ хўжалик илгорларига бағишланган кўрсатувнинг давоми. 23.25 — Янгиликлар.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Эстрада қўшиқлари. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 11.15 — СССР санъат усталарининг концерти. 12.10 — Гулла, яшна, қўрқ ўлка! 13.00 — Чорвадор. 14.00 — Табаррук қамин. 19.25 — Ешлик. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.00 — Бугун радиотеатрда.

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИҚЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ! ҲАВО ЙЎЛЛАРИ МАРКАЗИЙ АГЕНТЛИГИ ҚУЙИДАГИЛАРНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1983 йил 1 январдан бошлаб самолётлар ҳаракатининг ЯНГИ ЖАДВАЛИ АМАЛ ҚИЛА БОШЛАДИ

Сиз Аэрофлот маршрутларининг исталган йўналиши бўйича учишингиз мумкин.

ИЛ-86, ИЛ-62, ТУ-154 комфортабелли самолётлари сизнинг хизматингизга мунтазир.

«БОРИШ» ва «ҚАЙТИБ КЕЛИШ» билетларини аэрофлотнинг исталган кассасида бемалол харид қилишингиз мумкин.

Эслатма: каникул кунларида студентлар ва мактаб ўқувчиларига авиабилетлар 30 процент арзон нархда сотилади. Ҳаво йўллари марказий агентлиги экскурсион ва планли группалар учун ҳам 30 процент арзонлаштирилган авиабилетларга заявкалар қабул қилмоқда.

56-06-17, 91-61-01 006 телефон номерлари бўйича маълумотлар олишингиз мумкин.

ҲАВО ЛАЙНЕРЛАРИ БОРТИДА СИЗ БИЛАН КУРИШИШДАН БЕНИҲОЯ ШОДМИЗ!

1923 • 1983

ШАҲАРЛАРАРО АВТОМАТ ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ

АБОНЕНТЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР БЕШ РАҚАМЛИ НОМЕРГА УТКАЗИЛАДИ: 1, 3, 4, 5, 6 рақамлари билан бошланадиган номерлар олдидан «4» рақами; 2 рақами билан бошланадиган номерлар олдидан «2»; 7 рақами билан бошланадиган номерлар олдидан «7» рақами қўшиб териладиган бўлди.

Мисол учун справка хизмати билан боғланиш учун илгари 3750005555 рақамлари терилган бўлса, эндиликда 3750045555 рақамлари терилади.

ТЕРМИЗ ШАҲРИ ТЕЛЕФОН НОМЕРЛАРИ ОЛДИДАН «2» РАҚАМИ ТЕРИЛАДИ. Мисол учун: справка хизмати билан боғланиш учун илгари 3760002222 рақамлари терилган бўлса, эндиликда 3760022222 рақамлари терилади.

ХАБАР БЕРИШ (адреси бўйича) ИУЛИ БИЛАН БУЮРТМАЛАР 44-08-13 ЕКИ 44-09-12 НОМЕРЛАРИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Улуғ Ватан уруши инвалидларидан буюртмалар 44-00-86 телефони орқали қабул қилинади.

Смена бошлиғининг телефон номери — 44-07-65.

«007» справка хизмати бригадирининг телефон номери 33-16-80.

РЕСПУБЛИКА ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг маҳаллий саноат бошқармаси ташкилотлар раҳбарларига шуни маълум қиладики, МЕТАЛЛОФУРНИТУРА ЗАВОДИ Тошкент хўжалик-маиший буюмлари экспериментал заводи ДЕБ ҚАЙТА НОМЛАНДИ

Ўрта Осиё ипакчилик илмий-текшириш институти коллективи Фарғона ипакчилик зонал илмий-текшириш станциясининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. Д. Деҳқоновга отаси Деҳқон ҚУРЧИЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000 Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари—33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-53, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20. 33-11-49, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР —2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 2-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 4-61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. — 01730. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. — 11. 7